1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИНИНГ БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ МАСАЛАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Фарход Усманов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўтган асрнинг 20-30 йилларда Ўзбекистон ҳудудида турли омиллар сабаб қаровсиз болалар сони ошиб кетиши, давлат органлари томонидан қаровсиз болалар сонини камайтириш, бартараф этиш соҳасида бажарилган вазифалари, болалар қаровсизлигининг жамият ижтимоий ҳаётида келтириб чиқарган муаммолари ва мазкур вазиятда Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги тизими томонидан олиб борилган чора-тадбирлар мазмун моҳияти, йўл қўйилган камчилик ҳамда муаммолар, қаровсиз қолган эмизикли болалар билан ишлаш тизими архив материаллари асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: қаровсиз бола, трахома, эмизикли бола, меҳрибонлик уйи, тарбияланувчи, санаторий.

ACTIVITIES OF THE PEOPLE'S COMMISSARY OF HEALTH IN UZBEKISTAN ON CHILD CARE IN 1920-1930

Farkhod Usmanov
Doctoral student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article discusses the increase in the number of neglected children in Uzbekistan in the 20-30s of the last century due to various factors, the role of government agencies in reducing the number of neglected children, the problems of child neglect in society and the system of the People's Commissariat of Health. The essence of the measures taken, the shortcomings and problems, the system of work with neglected infants are covered on the basis of archival materials.

Keywords: neglected child, trachoma, nursing child, orphanage, foster home, sanatorium.

КИРИШ

1917 йилги ўзгаришлар, подшо ҳоимиятининг қулаши, болшевикларнинг ҳокимият тепасига келиши билан бутун мамлакат бўйлаб аввалдан мавжуд

муаммолар устига қўшимча муаммоларни келтириб чиқарди. Империалистик урушлар, фуқаролик уруши, очарчилик, эпидемия, аҳолининг таъминоти ёмонлашуви каби сабаблар туфайли ота-оналардан ажралган ёки ота-онаси бор аммо боқишга қурби етмайдиган оила фарзандлари кўпайиб бориши билан қаровсиз болалар сони ҳаддан зиёд ошиб кетиб, бутун мамлакат бўйлаб, яхши ҳаёт илинжида кезиб юришига тўғри келди. Бундай вазиятда Ўзбекистон, айниқса Тошкент қаровсизлар учун энг яхши масканга айланиши, ерли аҳоли ҳаётига ўзининг жуда катта салбий таъсирини ўтказди. Бундай вазиятда маҳаллий ҳокимият томонидан олиб борилган саъй ҳаракатлар қайсидир маънода самара берган бўлса ҳам ўз навбатида болалар қаровсизлигини бартараф эта олмади.

Мавжуд муаммоли вазият барча давлат органлари зиммасига жуда катта масъулиятни юклаган бўлиб, Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги ҳам мазкур масаладан четда қолмади. Қаровсиз болаларни қўлга олиш ва уларни тегишли тартибда болалар муассасаларига жойлаштиришда бевосита иштирок этган тиббиёт соҳаси ўзига хос амалий ишларни бажарган бўлсада, болалар ҳаётини яхшилашга деярли эриша олмади. Аксинча, мавжуд муассасалардаги санитар-гигиеник вазиятни ёмонлаштириб, болалар соғлиғида муаммолар пайдо бўлишига сабабчи бўлиб ҳам қолди. Бунга эса энг аввало Марказ томонидан етарлича эътибор қаратилмаганлигини катта сабаб сифатида келтириш мумкин. Шунингдек, муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан айнан мазкур масалага жуда катта аҳамият бераётганлигининг ўзи ҳам Ўзбекистоннинг буюк келажак сари интилишини англатади. Зеро, муҳтарам юртбошимиз томонидан билдирилган; “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис етадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан еришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан" [1], деган фикрларнинг ўзиёқ бугунги мавзунинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини исботлайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Болажаон ўзбек халқи бола тарбияси, унинг нурли келажаги ҳақида қайғурадиган дунёдаги камдан кам такрорланадиган миллат бўлиб, бола

тарбияси, унинг баркамол шахс сифатида шаклланиши бугунги давлатимиз диққат марказидаги асосий масалага айланиб бормоқда. Тархий жараёнларда болалар тақдирини ўрганиш ва ундан тегишли хулоса чиқариш ўзбек фан, таълим олимлари диққат марказида бўлиб, бу бизга бу соҳадаги изланишларни янада ривожлантиришга туртки бермоқда.

Совет даври тарихчилари илмий монографиялари [2], [3], асарлари ва эсдаликлари [4], [5] маълумотлари билан таҳлилий ўрганилди.

Шунингдек, мавзу манбаси сифатида Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎзМА) фондларидан фойдаланилди [6], [7], [8].

НАТИЖАЛАР

Қишки давр кириб келиши билан Россиянинг турли минтақаларидаги қаровсиз болалар қишки совуқдан ўзини асраш учун Туркистон ҳудудидаги илиқ ҳавосига интилиши туфайли қаровсизлар салмоғи ҳаддан зиёд ошиб кетган. 1924 йил декабр ойига келиб қаровсиз болалар сони Туркистонда 2 000 дан ошиб кетган бўлса, 1 000 дан ортиқ қисми биргина Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган.

Мазкур вазиятда Марказий ижро қўмитаси қошидаги Марказий болалар комиссияси қаровсиз болаларни қабул қилиш ва жойлаштириш ишлари билан машғул бўлган. Август-декабр ойлари мобайнида болалар комиссияси томонидан 1 144 бола қабул қилинган бўлиб, улар билан ишлаш оқибатида 150 нафари меҳрибонлик уйларига юборилган, тегишли тартибда ота -оналари билан боғланиш имкони бўлган 282 нафар бола ватанига қайтариб юборилган, 57 нафари эса ишга жойлаштирилган. Қаровсиз болалар сони йил сайин ошиб бориши ижтимоий муҳит ва аҳоли кайфиятига ҳам албатта ўзининг катта таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Жумладан Соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги ҳам болалар соғлиғини таъминлаш, уларга тиббий-санитар ҳолатни яхшилаш каби масалаларда масъул этиб белгиланди ва ўз навбатида амалий чора тадирларни бажарди. Болалар саломатлигини таъминлаш мақсадида болалар комиссияси Соғлиқни сақлаш ХК билан ҳамкорликда Тошкентда 1924 йилнинг ўзида санатоия колониясида 100 та, Чимганда туберкулёзлар учун санаторияда 30 та қўшимча жойлар ажратилиши бунга биргина мисолдир [9].

Шу ўринда мазкур давр болалари соғлиғи бўйича келтирилган статитстик маълумотлар ҳам анчайин аянчли бўлиб, Республикада умумий болаларнинг 7 711 нафари туберкуез ва 32 164 нафари касалманд болаларни ташкил этиши, Соғлиқни сақлаш ХК олдига улкан масъулиятни юклаши табиий ҳол эди.

Мавжуд имкониятдан келиб чиқиб, юқорида сони келтирилган касал болалар билан ишлаш учун ҳар бир туберкулез болага 10, касалманд болага 5 червон (ўн сўмлик пул)дан маблағ, умумий 240 180 червон пул талаб қилган ва рус ҳокимияти мазкур масалага бундай маблағ ажратиши мушкул иш эди. Ва бу ўз навбатида кейинги даврда муаммолар кўпайишига замин яратган [10]. Соғлиқни сақлаш ХК томонидан ҳал этилиши зарур муаммолар бўлишига қарамасдан етарли имконият ва назорат бўлмаганлиги сабабли болалар қаровсизлигини бартараф этишда фаол иштироки 1925-1930 йилларда намоён бўлмади. Ҳатто мавжуд меҳрибонлик уйларида Соғлиқни сақлаш тизими эътиборсизлиги туфайли қайнаган сувларни алоҳида идишларда қайнатиш ҳам йўлга қўйилмаганлиги фикримизни исботлайди. Бу эса ўз навбатида болаларнинг доимий совуқ сув истеъмол қилиши, бунинг оқибатида эса шамоллаши кучайиб пешоб тутолмаслик аломатлари кучайган. Мазкур давр меҳрибонлик уйларида ўтказилган ўрганишлар туфайли тарбияланувчиларнинг жуда кўпида пешоб тутолмаслик касаллиги бўлганлиги сабабли кўрпалари ҳидланиб, ётоқхоналарига болаларнинг ўзидан бошқа ҳеч ким кира олмайдиган даражага етиб борган. Бу факт эса қаровсиз болалар сонини кўчада кўпайишига сабаб бўла олган. Чунки мазкур муассасалардаги болалар бу каби аҳволда ҳаёт кечиришдан кўра имкон қилиб меҳрибонлик уйидан қочиш ва кўчадаги жиноятчиликка ўзини ташлашга мажбур бўлишган [11].

Фарғона вилоят болалар комиссияси раиси Иванов томонидан билдирилган фикрга кўра, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси меҳрибонлик уйидаги болалар ҳолати бўйича умуман етарли чора тадбир амалга оширмаган, у ердаги касал болалар соғлом болалар билан бирга қолаётгани, натижада соғлом болалар ҳам касаллик юқтириб олиш ҳолатлари кўпайганлигини минг афсус билан билдириб ўтган [12].

Мазкур давр меъёрларига кўра 3 ёшгача бўлган ёш болалар ҳимояси, ғамхўрлигига Соғлиқни сақлаш ХК ва унинг ҳудудий бўлимлари масъул бўлган бўлса, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ҳимояси, ғамхўрлигига Маориф ХК ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари масъул бўлган [13]. Соғлиқни сақлаш ХК болалар қаровсизлиги масласида кўплаб муаммоларга тўқнаш келиши албатта биринчи галда Марказ сиёсатининг нотўғрилигида эди. Бунга сабаб қилиб мисол келтирадиган бўлсак, Тошкент, Андижон, Самарқанд шаҳарларида Соғлиқни сақлаш ХК ихтиёрида мавжуд бўлган ёш болаларни даволашга мўлжалланган меҳрибонлик уйлари фаолияти тўхтатилгани ҳам мазкур соҳада муаммоларни кўпайтирган [14]. 1932 йил 3 декабр санасида ташкил этилган 3-республика йиғилишида Бундан ташқари яна бир муҳим муаммо бу кадрлар етишмаслиги

масаласи эди. ЎзССР Соғлиқни сақлаш ХК Диваев ўз маърузаси билан иштирок этиб, мавжуд муаммолар тўғрисида маълумотлар келтириб ўтган. Жумладан, Соғлиқни сақлаш ХК болаларнинг тўғри парваришланиши, соғлом ўсиши, санитар-гигиеник ҳолати яхши бўлишига масъуллигидан келиб чиқадиган бўлсак бу масала анчайин долзарблиг, аммо мазкур масалада ижобий натижага эришиш имконияти жуда ёмон аҳволда эканлигини маълум қилган. Сабаби Ўзбекистон бўйича 400 нафар шифокорга талаб мавжуд бўлган бўлса, ҳисобот даврида Республикада мавжуд шифокорлар сони 112 нафарни ташкил этган холос. Бундай ҳолатда меҳрибонлик уйларидаги тиббий фаолият умуман яхшиланиши мумкин бўлмаган ҳолатга айланиши табиий. Статистик маълумотга кўра мавжуд шифокорлар энг катта ҳисобда 20 % болаларни қамраб олиши мумкин бўлган холос.

Мавжуд вазиятда Соғлиқни сақлаш ХК шифокорлар сони билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун 6 ойлик махсус ҳамширалар курсини очишни режалаштирган ва улар врачлардан сабоқ олиб, катта ёрдамчига айланиши мақсад қилинган. Мактаб ва болалар муассасаларидаги бўш турган шифокор ўринлари ҳамширалар билан тўлдирилиб, шу орқали болалар муассасаларида тиббий хизмат ва санитар вазият яхшиланишига умид қилинган.

Вазиятдан имкон қадар фойдаланган Соғлиқни сақлаш ХК 1932 йилга келиб эса болалар соғлиғини муҳофаза этиш мақсадида ёзги лагерлар ва санаторийларга жами 2 000 нафар меҳрибонлик уйлари болалари юборилиб, лагерлар қошидаги соғломлаштириш маросимларига 7 000 нафар бола жалб қилинди [15].

ЎзХКСнинг 1935 йил ноябрда болалар қаровсизлигига қарши курашиш тўғрисидаги қарор ижроси бўйича йиғилиш ўтказилган. Мазкур йиғилиш маълумотларига кўра кўчадаги болалар қаровсизлиги янада мураккаблашганлиги рақамларда намоён бўлган. Жумладан, қарор ижроси бўйича 5 887 нафар бола кўчадан йиғилган. Боалалр муассасаларини табақалаштириш орқали Соғлиқни сақлаш ХК томонидан 6 та касалманд болалар учун меҳрибонлик уйи ташкил этилиб, 945 бола қамраб олинган. Умумий ҳисобда қарор ижроси бўйича амалга оширилган ишлар туфайли қарор қабул қилинган кундаги 16 995 нафар бола ўрнига 19 790 нафар бола болалар муассасаларига жойлаштирилган [16]. Соғлиқни сақлаш ХК 1935 йилгача бўлган даврда Маориф ХК тасарруфида бўлган 100 кишилик трахома касаллиги бор меҳрибонлик уйини тасарруфига олган бўлиб, бундан ташқари Тошкент шаҳрида 3 та 600 нафар тарбияланувчилари мавжуд касал меҳрибонлик уйи ва трахома, льюис, гоноррея билан оғриган болалар учун 130 кишилик битта

меҳрибонлик уйи, Қўқон шаҳрида трахома касаллиги бор болалар учун 65 кишилик меҳрибонлик уйи фаолиятини бошқариб борган. Бундан ташқари мавжуд меҳрибонлик уйларидаги касалликка чалинган болалар учун алоҳида жойлар ажратилиб, улар соғлиғи учун масъуллик даражаси оширилган. Биргина мисол сифатида айтадиган бўлсак, ҳисобот кунида 753 нафар касалликка чалинган болалар Соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаниш учун олинган бўлса, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки бу қамров етарли эмас эди. Наманган, Мирзачўл, Когон, Термиз, Каттақўрғон каби шаҳарларда мавжуд болалар муассасаларига врачлар бириктирилмаган бўлиб, у ерда умуман тиббий хизмат йўлга қўйилмаган. Кўп ҳолларда вазиятни юмшатиш учунгина 5-6 меҳрибонлик уйларига битта врач бириктириб қўйилиш ҳолатлари мавжуд эди [17]. Соғлиқни сақлаш ХК асосан кичик ёшдагиқаровсиз болалар таъминоти билан шуғулланган бўлиб, 1933 йил чин етим гўдаклар учун 605 болага 8 та эмизикли боаллар уйи ташкил қилган ва улар Бухорода 40, Самарқандда 10, Тошкентда 190, Қўқонда 70, Фарғонада 30, Наманганда 25, Каттақўрғонда 10, Андижонда 40 ўрин кўринишида бўлган. Аммо мазкур муассасалар фаолияти ўрганилганда уларда таъминотлар узилиши оқибатида кўплаб салбий ҳолатлар аниқланган. Жумладан, эмизикли болаларга озуқа етмай қолиши оқибатида эмизикли меҳрибонлик уйида болалар ўлими 40 % гача етгани қанчалик аянчли рақамларни кўрсатиб бермоқда. Бундан ташқари меҳрибонлик уйларида қайноқ сув имкони йўқлиги сабаб касаллик кўпайиб кетган [18].

Соғлиқни сақлаш ХК томонидан эмизикли меҳрибонлик уйи учун жойлар сонини ошириш долзарб бўлиб қолмоқда ва уларнинг сонини камида 1 110 тага етказиш кераклиги таъкидланиб ҳудудлар кесимда қуйидаги тартибда тақсимот қилиниши бўйича ёрдам сўралган; Андижонга 20, Бухоро эски шаҳрига 40, Самарқандга 200, Тошкентга 300, Қўқонга 50, Фарғонага 30, Наманганга 25, Каттақўғонга 40 ўрин [19].

МУҲОКАМА

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйган болалар қаровсиги масаласи Ўзбекистон ҳудудида жудаям кенг кўламда намоён бўлган. Ажабланарли жиҳати, доимий мажлис, қарорлар, фармонлар марказида бўлган мазкур масала амалда катта муваффақиятга эриша олмади. Мазкур давр ижтимоий портретини қисман яратиб кўрадиган бўлсак, кўча кўйда, бозорлар, ошхоналар, вокзаллар умуман олганда одамлар гавжум бўлган барча жойларда кўча болаларини тўп тўп бўлиб юрганини кузатиш мумкин эди. Энг ёмон тарафларидан бири мазкур қаровсиз болалар майда

безорилик, киссавурлик, талончилик билан шуғулланишни одат қилиб олган эди. Бундай муаммоли вазиятда барча давлат органи вакиллари имконияти доирасида чора-тадбирларни амалга ошира бошлашди [20].

Бу омилнинг ўзи мамлакат эртаси учун қанчалик долзарб муаммо эканлигини намоён қилаётган бўлса ҳам, Марказдан етарли эътибор қаратилмаган. Талаб қилинадиган маблағлар ажратиш ишлари турли йўллар билан пайсалга солиниб, кўп ҳолатларда рад қилинарди. Ваҳоланки ҳаражатсиз ишнинг самарадорлиги яхши бўлмагани сингари, болалар қаровсизлигини бартараф этишда самарадорликка эришиш учун қаровсиз болаларга кўчадаги ҳаётдан яхшироқ ҳаёт тақдим этилиши лозим эди. Мавжуд архив маълумотларига таянадиган бўлсак, ўтган арнинг 30 йиллари ўрталарида Ўзбекистон ҳудудида мавжуд болалар муассасаларида, айниқса меҳрибонлик уйларида санитар гигеник ҳолат жуда ачинарли бўлиб, болалар 2-3 ойлаб умуман ҳаммомга олиб борилмаган. Болалар яшаш майдонида ифлос ва расво шароит мавжудлиги сабабли болалар орасида тери касалликлари кўпайиши кенг кузатилган. Санитария-гигиена қоидалари ва тўғри овқаланишни назорат қилиб бориш мақсадида тиббиёт ходимлари деярли умуман бириктирилмаган. Бу эса ўз навбатида вазиятни баттар чигаллаштириб, қаровсизлик масаласини кун сайин аянчли оқибатлар сари етаклаш билан баробар эди [21].

ХУЛОСА

Мазкур мақолада келтириб ўтилган болалар қаровсизлиги масаласи бугунги кун нуқтаи назаридан олдини олиш профилактикаси сифатида қаралиб, бу каби тарихий жараёнларни очиш орқали ёш авлод вакилларида Ватанга бўлган муҳаббат, шукроналик ҳисси, қиёсий таҳлиллар асосида маълумотлар ўрганиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Россиянинг турли минтақаларидан Ўзбекистон ҳудудига турли миллат вакиллари фарзандларининг кириб келиши ва бағрикенг ўзбек халқи уларни худди ўз фарзанди сингари қабул қила олиши ҳамда ғамхўрлик қилиши бизнинг буюк миллат эгаси эканлигимиз, бу каби инсонийликнинг энг юқори кўриниши билан дунё тарихида ўз ўрнини яратаётган миллатимиз билан истаганча ғурурланишимиз мумкинлигини яна бир бор исботламоқда.

REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Тошкентда бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқи. 15.06.2017 йил. Тошкент.

2. А.А.Расулов. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Ташкент, 2005. -монография.
3. А.А.Ерметов. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти. -Ташкент, 2018. – монография.
4. К.Фозылходжаев. Детей принимал Узбекистан.- Ташкент, 1991, 56 с.
5. А.Алматинская, А.Авдеева. Свет нашых очей. -Ташкент, 1971.
6. Р-17 (Туркистон АССР Марказий Ижро Қўмитаси фонди).
7. Р-86 (Ўзбекистон ССР Марказий Ижро қўмитаси фонди).
8. Р-94 (Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги фонди).
9. Р-17 фонд, 1 рўйхат, 158 иш, 81-бет.
10. Р-17 фонд, 1 рўйхат, 492 иш, 15-бет.
11. Р-86 фонд, 1 рўйхат, 3585 иш, 12-бет.
12. Р-86 фонд, 1 рўйхат, 3585 иш, 45-бет.
13. Р-86 фонд, 1 рўйхат, 3585 иш, 50-бет.
14. Р-86 фонд, 1 рўйхат, 4119 иш, 101-бет.
15. Фарҳод Абдираимович Усманов. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШ МАСАЛАСИ (19301940 ЙИЛЛАР). Science and Education, 1(7), 641.
16. Р-94 фонд, 5 рўйхат, 1713 иш, 14-бет.
17. Р-94 фонд, 5 рўйхат, 2096 иш, 70-бет.
18. Р-94 фонд, 5 рўйхат, 1721 иш, 20-бет.
19. Р-94 фонд, 5 рўйхат, 1721 иш, 21-бет.
20. Р-17 фонд, 1 рўйхат, 158 иш, 81-бет.
21. Р-94 фонд, 5 рўйхат, 1713 иш, 38-бет.
22. Abduraxmonova, J. N., & Xolisov, B. A. (2020). Turkiston iqtisodiy kengashining o'lka ijtimoiy-iqtisodiy hayotiga ta'siri. *Ўтмишга назар*, (2), 63-73.
23. Xolisov, B. A. (2020). Sovet hokimiyatini o'rnatilishi va boshqaruv siyosati. *Oriental art and culture*, 115-118.